Қирғизистон ва Доғистондаги жангарилар гуруҳлари ҳатти-ҳаракатларининг тактикаси, шакли ва усулларини солиштириш, воқеаларнинг даярли бир пайтда бошланиши, уларнинг раҳнамоларининг гоёвий қарашлари бир хил экани ва бошқа кўплаб объектив омиллар экстремистик кучларнинг МДҲ ҳудудининг турли минтақаларида, энг аввало, Шимолий Кавказ ва Марказий Осиёда кенг қўламли, мувофиқлаштирилган «хужуми»дан далолат беради.

Олинаётган маълумотлардан кўринадики, «Боткент муаммоси» сурункали шакл касб этмоқда ва унинг оқибатларини олдиндан аниқ айтиш қийин.

Юзага келган шароитда шу нарса аён бўлдики, Қирғизистон раҳбарлари радикал ислом гуруҳлари тугдираётган хавф-хатарга етарлича бато бермаган ҳамда жангариларнинг босқинчилигига муносиб жавоб қайтаролмаган. Қирғизистон раҳбариятининг диний экстремистик оқимлар хавфи ҳақидаги мавҳум баёнотлари ҳам шундан далолат беради.

Ҳукуматнинг тегишли чора-тадбирларни амалга оширмаётгани ва Қирғизистон ҳарбий тузилмаларининг жангариларни йўқ қилиш борасида аниқ режа иш-

лаб чиқиб, уни муваффақиятли амалга оширишга қодир эмаслиги республикада кенг жамоатчиликни ташвишлантирмоқда. Қирғизистон жамоатчилиги ҳукумат раҳбарларида мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги, хавфсизлиги ва барқарорлигига таъжовуз қилган террорчилик ҳаракати тугдираётган хавфга қарши кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришни талаб этмоқда. Бу ҳақда жамоатчиликнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари ҳам гувоҳлик бермоқда. Хусусан, депутатлар Марказий Осиё давлатлари ҳамда Россиянинг куч ва имкониятларини бирлаштириб, минтақадаги аҳоли хавфсизлиги ва тинчлигига таҳдид солаётган кучларга зарба бериш лозим деган фикрда.

Шуни қайд этиш лозимки, Қирғизистон жанубидаги танг ҳолатнинг вужудга келиши Тожикистонда кечаётган жараёнларнинг бевосита оқибатидир.

И.Рахмонов бошчилигидаги ҳукумат томонидан ички вазиятни барқарорлаштириш, мамлакатни танг ҳолатдан олиб чиқиш борасида кўрилатган чора-тадбирларга қарамасдан, Тожикистондаги ҳолат ҳам тобора кескинлашмоқда. Ихтилофлар, турли гуруҳлар ўртасидаги қуроли тўқнашувлар кучаймоқда, жиноятчилик авж олмоқда.

Вужудга келган вазиятнинг асосий сабабларидан бири — мухолифат қуроли кучларининг Тожикистон ҳарбий кучларига келиб қўшилиши жараёнининг тўлиқ тўғриланмаганидир. Бирлашган тожик мухолифати раҳбарияти жаҳон жамоатчилигига ўз ҳарбий бўлинмаларининг тарқатиб юборилгани тўғрисида баёнот берган бўлса-да, аслида ислом мухолифати Тожикистон Республикаси қуроли кучлари сафига фақат бир қисм жангариларини кўшган, улар ўз гуруҳларининг ихтиёрий равишда тўлиқ қуроли сизланишини амалга оширмоқчи эмас.

Мавжуд маълумотларга кўра бирлашган тожик мухолифатининг таниқли вакиллари ва ҳарбий командирлари, жумладан, Саид Абдулло Нурийнинг ўзи, республиканинг ҳукумат назоратидан холи жойларида, жумладан, Тавилдара, Жирғитол туманларида ва умуман Гарм ва Қоратегин ҳудудида жойлашган ўзларига қарашли қуроли гуруҳларни дахлсиз сақлаб қолган. Ушбу бўлинмалар Душанбе расмий ҳукуматининг барча таъқиқларига қарамасдан, доим жанговар ҳолатда туради, озик-овқат ва бош-

қа моддий захиралар билан таъминланади.

Бирлашган тожик мухолифати Тожикистоннинг қонуний ҳукуматига қарши курашда иштирок этган ўзбекистонлик экстремистлар, жангарилар гуруҳларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда давом этмоқда. Ҳукуматнинг мазкур экстремистик гуруҳларни қуроли сизлантириш ва уларни Ўзбекистонга топширишга йўналтирилган ҳар қандай уриниши бирлашган тожик мухолифатининг қатъий қаршичилигига учрамоқда. Бундай ҳатти-ҳаракатлар нафақат Тожикистон Республикасидаги қуроли сизлантириш янги босқинчи бошлаб бериши, балки минтақадаги вазиятни издан чиқариб юбориши мумкин. Қирғизистон жанубидаги воқеалар бунинг яққол далилидир.

Ҳозирги пайтда Қирғизистонда жанг қилаётган жиноятчи гуруҳларнинг кўпчилиги бирлашган тожик мухолифати томонидан тайёрланган. Ушбу отрядлар фаолияти Қирғизистон билан чегарадош Жирғитол, Ҳайит аҳоли пунктларидан туриб бошқариламоқда. Улар бирлашган тожик мухолифати назорати остидаги ҳудуддан қуроли-яроғ ва ўқ-дори билан таъминланмоқда. Диверсион-террорчилик тўдалари ортида афғонистонлик ҳомийлар ҳам турибди. Бирлашган тожик мухолифати етакчилари, жиноятчи тўдалар раҳбарлари «Толибон» ҳаракати билан ҳам мустақам алоқада экани ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон ҳукумати юзага келган вазиятда чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш бўйича кескин чора-тадбирлар кўрмоқда. Ўзбекистон қуроли жиноий тўдалар хужумига қарши курашда Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ташаббуси билан чиққан эди. Шу йилнинг 28 августидан, босқинчилик энг авжига чиққан пайтда Уш шаҳрида минтақа давлатларининг ташқи ишлар ва ҳарбий вазирларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш яқунлари бўйича ҳарбий муассасаларнинг жиноий тўдаларга қарши самарали кураш олиб бориши бўйича саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш механизмлари белгилаб олинди, Қирғизистон Мудофаа вазирлиги ҳузурида бирлашган оператив гуруҳ ташкил этилди. Бу гуруҳга Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон вакиллари билан бир қаторда, Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг катта офицерлари ҳам киритилган.

Марказий Осиё минтақасида экстремизм ва терроризмга қарши биргаликдаги кураш, Қирғизистон жанубидаги муаммони ҳал қилиш масалалари мамлакатимизга ташриф буюрган Россия мудофаа вазири И.Сергеев билан мулоқот пайтида муҳокама қилинди.

Қирғизистон томонининг илтимосига кўра, Ўзбекистон Ҳарбий ҳаво кучлари жангарилар тўпланган жойлар, стратегик коммуникацияларга муваффақиятли зарбалар берди. Бу зарбалар босқинчилик ёйилиб кетишининг олдини олишда самарали омил бўлди.

Ўзбекистонда давлат чегарасини ҳимоя қилиш тизимини кучайтиришга доир чоралар кўрилмоқда. Мамлакат Қуроли кучларининг қисм ва бўлинмалари, ҳарбий тузилмалари диверсион-террористик гуруҳлар содир этиши мумкин бўлган хужумга қарши зарба беришга шай ҳолда турибди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов қайта-қайта таъкидлаганидек, Қирғизистон жанубидаги ҳарбий ҳаракатлар шунчаки терроризм ёки босқинчилик эмас. Бу — Марказий Осиё минтақасида кечаётган мураккаб жараёнларнинг натижасидир. Бу — халқаро экстремистик кучлар томонидан пухта ўйланган, Марказий Осиё давлатларида террорчилик ва босқинчилик йўли билан конституцион тузумни ўзгартириш, дунёвий демократик давлат қуришга йўналтирилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислохотларни издан чиқаришга йўналтирилган катта стратегиянинг бир бўғинидир.

Ўзбек халқининг «Қўшнинг тинч — сен тинч», деган мақоли бор. Ўзбекистон халқи ҳам хурсандчилик, ҳам синов дамида ҳар доим Қирғизистоннинг матонатли халқи билан бирга бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Жиноятчи тўдалар буни унутмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти бундан бир йил муқаддам ватанимизнинг мустақил ва жанговар чегара қўшинларини тузиш ва Ўзбекистон чегаралари қўриқлашини кучайтириш чора-тадбирларига доир қарор қабул қилгани тўғри бўлганлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Хавфсизликни, мамлакат суверенитетини, мустақиллик ютуқларини ҳимоя қилиш — давлатнинггина эмас, ҳар бир фуқаро, ҳар бир ватанпарварнинг масъул бурчидир.

Қирғизистон жанубидаги Боткент туманида юз бераётган воқеалар оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилинмоқда. Юз бераётган воқеалар аҳоли ўта тилғиз яшайдиган Фарғона водийси билан бевосита чегарадош жойларда салбий оқибатлар келтириб чиқариши башорат қилинаётган хабар ва мақолалар ҳам йўқ эмас. Ўза мухбирлари мазкур воқеаларнинг минтақамиз давлатларига таъсири хусусида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Х.Турсунов билан суҳбатланди.

— Августнинг охирида Тожикистон ҳудудида жойлашган бир гуруҳ халқаро террорчилик Қирғизистон чегарасини бузиб, Боткент туманидаги бир неча қишлоқларни эгаллаб олди. Тинч аҳоли ва ҳуқуқ-тартибот ҳодимларидан, шунингдек 4 нафар япон геологини таржимони билан гаровга олди. Бу босқинчилар ким ўзи деган савол кўпчиликини қизиқтиради. Уларнинг ақсарияти ўз мамлакатидан турли жиноятлар содир этиб, қонундан қочиб юрган жиноятчилардир. Мазкур кўпорувчилар орасида тожиклар, ўзбеклар, қирғизлар, араблар, афғонлар, покстонликлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам

БОТКЕНТ ВОҚЕАЛАРИ:

УМУМИЙ ХАВФГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШИШ ЛОЗИМ

кўпчиликини ташкил этади. Улар ўзларича турли баёнотлар бераётган бўлса ҳам, аслида фақат тинч одамларни гаровга олиш, Марказий Осиё республикаларининг конституциявий тузумини ағдариш, одамлар орасига нифоқ солиш билан банд, холос.

Ҳозир Қирғизистон қуроли кучлари бу кўпорувчилар тўдаларини тугатиш чора-тадбирларини кўрмоқда. Тўғри, кўп ишлар кечроқ бошланди. Аввало, қирғиз дўстларимиз Ўзбекистон билан чегарадош туманларда тинчлик барқарор эканлигини эътиборга олиб, бу ҳудудларда илгария айтлар катта кучларни сақламаган. Натижада, нотинчлик бошланганда жангариларга жиддий қаршилик кўрсатадиган ҳарбий кучлар етишмай қолди. Босқинчилар ҳам буни билган ва шу вазиятдан фойдаланиб қолишга уринган. Лекин бугунги кунга келиб вазият кескин ўзгаргани ҳақида хабарлар олмоқдамиз. Қирғизистоннинг бу ҳудудлардаги қўшинларига яхшигина мадад этиб келди. Ҳозир

улар жангариларни барча йўналишларда қисиб қўйган. Қирғизистон аҳолиси ҳам ўз ҳукуматига катта ёрдам бермоқда. Бу тоғли ҳудудларда аҳоли оз бўлгани учун халқ бир-бирини яхши танийди, бинобарин, беғоналар дарров билиниб қолади. Жангариларнинг тоғлардан тушиб Фарғона водийсига кириш эҳтимоли ҳақида гапирётган айрим хорижий матбуот воситалари бизнинг чегараларимиз мустақам эканлигини билиб қўйишса ёмон бўлмасди. Чегараларни нафақат чегарачилар, балки аскарларимиз, ички ишлар ҳодимлари, қолаверса, халқимиз кўриқлаб турибди. Тинч кунларнинг нақадар бебаҳо неъмат эканлигини яхши тушунган халқимиз юрт посбонларига ҳар томонлама мадад бермоқда.

— **Халқаро террорчилар тўдаларини тугатишда Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг ўзаро алоқалари қандай йўлга қўйилган?**

— Алоқаларимиз қонуний асосда йўлга қўйилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу ерда уч-

та қўшни давлат чегараси туташган. Вазият жиддийлаша бошлаган вақтларданок ҳар икки давлат — Ўзбекистон ва Қирғизистон мудофаа вазирликлари ўртасида қалин алоқалар ўрнатилди. Қирғизистон армиясининг жиноятчиларни тугатиш операцияларида ҳаводан ёрдам эҳтиёжи тугилган вақтда бизнинг ҳарбий ҳаво кучларимиз уларга ёрдамга келди. Қирғизистонлик ҳарбийлар кўрсатиб берган нишонлар ҳаводан бомбардимон қилинди. Лекин қуруқликдаги қўшинларимиз Қирғизистон ҳудудида йўқ.

Маълумки, Уш шаҳрида чегарадош давлатлар ташқи ишлар, мудофаа, хавфсизлик вазирликларининг учрашуви бўлиб ўтди. Уша ерда масалани биргаликда ҳал қилиш йўллари хусусида фикрлашиб олинди, аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Яъни, муносабатларимиз тобора қалинроқ бўлиб бораётир. Қирғизистон ҳукумати муаммони ўз жойида ҳал этишга қаттиқ қарор этган. Чунки бу низо ҳозирги кичик ҳудуддан чиқса, унинг оқибатлари

барча Марказий Осиё давлатларига бирдай салбий таъсир этиши мумкин. Шу боис, Қирғизистон томонига ҳар томонлама мадад бермоқдамиз.

— **Тожикистон томони ўз чегараларини ёпишнинг қийинлиги ҳақида гапирмоқда. Сиз ҳарбий мутахассис сифатида бу гапларни нечоғли асосли деб ўйлайсиз?**

— Хавфсизлик ҳақида гап борганда, аввало чегараларни мустақамлаш, кириш - чиқиш йўллари каттиқ назорат остига олиш лозим. Чунки бу халқаро террорчи тўдалар нафақат Қирғизистон ва Ўзбекистон, балки энг аввало Тожикистоннинг ўзи, учун катта хавф манбаидир. Мамлакатнинг тинчлиги, элнинг осойишталиги, юртининг келажагини таъмин этиш масаласи кўндаланг турган пайтда қўлдан келган ҳамма ишни қилиш лозим ва мумкин. Мен ҳарбий киши сифатида чегараларни каттиқ назорат остига олиш мумкин, деб ўйлайман. Хавфсизлик ҳақида гап кетар экан, бор кучни чегарани мустақамлашга жалб этиш лозим. Таъкидлаш жоизки, бугунги вазият минтақамиз давлатлари биргаликдаги саъй-ҳаракати билангина умумий хавфни бартараф этиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Суҳбатдошлар:
Муулмон НАМОЗ,
Расулжон КАМОЛОВ,
Ўза мухбирлари.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР



ДУШАНБА, 13

ЎзТВ I

Телеомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати
билан душанба, 13 сентябрь
«Ўзбекистон I»

телеканални кўрсатувлари соат
6.30 дан 16.00 гача ЎзТВ -II
«Ёшлар» телеканали орқали
намоиш этилади.

16.00 «Куйлардан — қўшиқ-
ларга». Мусиқий дастур.

16.25 «Озод ва рбод юрт».

16.40 Болалар учун. «Доно
бобо даврасида».

17.00 Теннис бўйича «Пре-
зидент кубоги» Халқаро тур-
нири учрашувлари ва тантанали
очишидан репортаж.

19.00 «Мувозанат». Ахборот-
тахлилий кўрсатув.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00,
21.55 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тили-
да)

20.00 Биржа ва банк хабар-
лари.

20.10 Оқшом эртақлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Назм ва наво». Фур-
кат лирикаси.

22.00 Теннис бўйича «Пре-
зидент кубоги» Халқаро тур-
нирининг тантанали очиши-
дан репортаж ва кунда-
лик.

23.00 Гёте. «Фауст». Телес-
пектакль премьераси. 1-қи-
см.

23.50 «Ахборот».

00.20 «Кусто командасининг
сувоти саргузаштлари». Телес-
ериал. 80-қисм.

01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.40 «Тахлилнома».

8.40 Лирик тароналар.

9.05 «Ўзлик». Бадий-публи-
цистик кўрсатув.

9.35 «Бу ҳам кино». Телесери-
ал. 19-серия.

10.00, 12.00, 14.00, Янгилик-
лар.

«Умид» намоиш этади:

10.05 «Акс-садо ҳақида эртақ».

Мультфильм.

10.10 «Олтин тож». Телеви-
зион ўйин.

10.40 Кундузги сеанс: «Вена
почта маркаси». Бадий
фильм.

12.05 «Етгил камолга». Спорт
дастури.

12.20 «Ўзбектефильм» на-
моиш этади: «Портрет».

12.30 Ватан тимсоллари.

12.35 «Иқтисод ва биз».

13.00 Н. Норқобилов. «Кўёши
ботмайдиган юрт». Видео-
фильм. 7-қисм.

14.10 «Мехригиё».

14.30 Ўзбекистон телерадио-
компанияси камер оркестри-
нинг концерти.

15.00 «Оламга саёҳат».

15.20 «Келажак уфқлари».

15.40 Ж. Мангуберди таваллу-
дининг 800 йиллиги олдидан:
«Пурзиё маъво». Ҳужжатли ви-
деофильм. 1-қисм.

18.00 Кўрсатувлар дастури.

18.05 «Янги авлод» студияси
намоиш этади. («Кувнок уч-
рашув», мульттомоша)

18.40 «Ақл ёшдамас».

18.55 «Мусиқий лаҳзалар».

19.00 «Давр». Ахборот дасту-
ри.

19.30 «Ёшлар» телеканалда.

19.35 «Сурур». Мусиқий дас-
тур.

19.45, 20.35, 23.25-Эълонлар.

19.50 «Полиция комиссари».

Телесериал.

20.40 «О, ёшлигим».

21.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.

21.20 «Мусиқий лаҳзалар».

21.30 «Худуд». Кува тумани.

21.55 «Ёшлар» телеканалда.

22.00 «Давр» Ахборот дасту-
ри.

22.30 «Муносабат».

22.50 «Олам футбол».

23.10 Шарҳ эстрадаси.

23.30 «Инспектор Морз». Телесериал.

01.15 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

18.00, 22.30, 23.30 «Пойтахт».

Ахборот кўрсатуви.

18.10 «Ёрилтош». Мульттўп-
лам.

18.30 «Сен ҳақингда ва сен
учун».

18.45 «Табриклаймиз — кут-
лаймиз».

19.00 Теннис бўйича «Пре-
зидент кубоги» Халқаро турнири
учрашувлари ва тантанали
очишидан репортаж.

22.00 «Янги иқтисод».

22.45 «Морена Клара». Телесериал.

23.45 «Бумеранг».

00.10 Оҳанглар ва эълонлар.

00.20 «Тасодиф». Саргузашт
фильм экранни.

02.05 «Хайрли тун, шахрим!»

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.

6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИ-
ДЕНИЕСИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби.

15.10 «СНН. Жаҳон янгиликла-
ри» (инглиз тилида)

15.40 «Дурдаршан».

16.00 «Дўстлар ва қўшиқлар».

Концерт.

16.30 «Бу ажиб дунё».

16.45 «Мультчархпалак».

17.00 «Комиссар Рекс». Телесериал
премьераси (Германия)

18.00 Клип-антракт.

Россия жамоат телевидениеси.

18.05 Душанба куни Познер
билан. «Ниқобдаги кишилар»
дастури.

18.45 «Севги йўлида». Телесериал.

19.45 Хайрли тун, кичкин-
тойлар!

20.00 «Время».

20.35 «Яхши, ёмон йигитлар».

Телесериал.

21.15 «Вести».

ТВ-6

21.40 «Шайтанат». Сериал. 1-
2 қисм.

00.20 «Ахборот» (рус тилида)

00.45 «Тунингиз осуда бўл-
син!»

30-КАНАЛ

Соат 15.00 га қадар
профилактика.

15.05, 18.00, 19.50, 00.30 —
«ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».

15.30 «Эсдалик учун дастхат».

Мусиқий дастур.

16.00 «Каралуз-ТВ».

16.25 «Фақат хотин-қизлар
учун». Тележурнал.

16.50 «Айбдорлик». Телесериал
(Мексика).

17.35 «VIP» студиясининг мех-
мони.

17.50 «Хит-коктейль».

18.25 «Ошиқона». Мусиқий
дастур.

18.40 «Олтин қафас». Телесериал
(Мексика).

19.25 Спорт шарҳи.

20.20 «Клип-совға».

21.30 «30-канал»да кинооқ-
шом.

23.15 Детектив мини-сериал
премьераси. «Тайфоннинг ки-
шилари». 1-серия (Буюк Бри-
тания).

24.00 Мусиқий-дам олиш дас-
тури.

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг».

8.00, 11.00, 14.00, 17.00 — Ян-
гиликлар.

8.15 «Муъжизалар майдони».

9.15 «Янгра, гармон!».

9.50 Бу қандай бўлган эди?
«Н. Хрущёвнинг зиёлилар билан
учрашуви». 1962 йил.

10.30 «Оила сирлари».

11.15 «Хайрли кун!».

12.10 «КВН-99». Юрмалада
мусиқий фестивал. 1-қисм.

13.30 «Биргаликда» дастури.

14.15 Мультсеанс.

14.35 «Юлдузли онлар».

15.10 «...16 ёшгача ва ундан
катталар».

15.40 «ТАСС вакил қилинган».

Сериал. 6-серия.

17.15 Евгений Петросяннинг
«Кулги панорамаси».

17.45 «Шу ерда ва ҳозир».

18.05 Душанба куни Познер
билан. «Ниқобдаги кишилар».

1-кўрсатув.

18.45 «Севги йўлида». Сериал.

19.45 Хайрли тун, кичкин-
тойлар!

20.00 «Время».

20.40 «Тана ўғрилари» триллери.

22.15 «Нигоҳ».

23.00 «Кино чизиғи». Йилнинг
кино кашфиёти. «Туғилган кун-
нингиз билан!» фильмининг
премьераси.

РАТ

5.30 — 8.20 «Хайрли тонг,
Россия!».

7.15, 22.55 — «Навбатчи қи-
см».

8.20, 10.50, 11.50 — «Гомео-
патия ва саломатлик».

8.30 «Спорт аренаси». Теле-
журнал.

9.00 «Миледи». Телесериал.

9.50 «Сирларимизнинг ёзи».

Телесериал.

11.00 «Кўзгу».

12.00, 16.00, 18.00, 20.00,
24.00 — «Вести».

12.25 «Рус лотоси».

13.10 «Антонелла». Телесериал.

14.10 «Ёввойи фаришта». Телесериал.

15.00, 00.20 — «Дивандаги дў-
кон».

15.30 «Денгиз итлари». Мульт-
сериал.

16.20 «Минора».

17.00 «Комиссар Рекс»-
лесериал.

18.30 «Оқ тўти» клуби.

19.00 «Оддий ҳақиқат».

Телесериал премьерас

20.45 Экранда жаҳон ё-
селлари. Настасья Кичи
ва Майкл Йорк Даниа
Стилинг «Халқа»экрани-
тирилган романида (AI).

2-серия.

22.35 «Бундан буён қай
яшайман?». Публицик
ток-шоу.

23.15 «Автошоу». Телесериал.

ТВ-6

7.55, 14.05 — «Кунданн-
га».

9.40, 19.10, 00.35 — ўл
назорати».

10.00, 12.00, 14.00, 10,
18.00 — «ТСН-6».

10.10, 01.15 — «Кимки.

10.25 «Юлдузлар юлдар
ҳақида»: «Русская душ

10.50, 15.50, 16.15 — «а-
ридингиз учун ташар!»

теледўкони.

11.00 «Обозреватель» тили
ий кўрсатуви.

12.05 «Хафта можароли».

12.35 «Обоз».

13.20 «Спартак» — м-
пион!».

16.05 Мультфильм.

16.40 «Оддий Мария»-
ериал.

17.30 Мультсериал.

18.10 «Шерли Холм»
саргузаштлари». Сери

18.40, 01.30 — «Диск-к».

19.30, 00.50 — «Олаги
Грейс- IV». Сериал.

19.55 «Скарлетт». Сеал.

1-серия.

21.00 Шу куннинг яниқ-
лари.

21.20 «Одамлар олам».

21.40 «Шайтанат». Сеал.

1,2-сериялар.

00.20 «Шу куннинг олян-
гилиги».

02.00 «Сифат белгис
(Охири келгуси сон).

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Очиқ турдаги «Toshkent
shahar telefon tarmog'i»

акционерлик жамияти
куйидаги манзилларда:

- Саматов кўчаси
- генерал Шералиев кўчаси
- Достоевский кўчаси
- Тургенев кўчаси
- Малик Қаҳҳоров кўчаси
- Обсерватория кўчаси
- Манас кўчаси
- Ниёзбек йўли кўчаси
- Астрономия кўчаси

Юнусобод даҳаси Кулол-Кўрғон
маҳалласи, Деҳқонов, Султонов,
Кулол-Кўрғон, Қосимов, Мирхалил
ота, Мусаев кўчаларида истиқомат
қилувчи ва

1999 йил 1 январгача АРИЗА
БЕРГАН АҲОЛИНИ
ХОНАДОНЛАРИГА ШАРТНОМА
БЎЙИЧА ТЕЛЕФОНЛАР ЎРНАТИШ
УЧУН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар очиқ турдаги «Toshkent
shahar telefon tarmog'i» акционерлик
жамиятининг куйидаги манзил:
Ҳ. Асомов кўчаси, 2. 34/35 АТСда
жойлашган Марказий филиалининг
абонентлик бўлимида
расмийлаштирилади.

Маълумотлар учун телефон:
137-67-37.

Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon
tarmog'i» акционерлик жамияти.

Ҳурматли сотувчи тадбиркорлар!

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси Тошкент
шаҳридаги бозорларда озиқ-овқат, буюм ва халқ
истеъмол моллари, сотиш ҳамда хизмат кўрсатиш
жойлари учун ажратилган бўш ўринларини
тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини
билдирган жисмоний шахсларга куйидаги
бозорлардан таклиф этади.

- «Олой бозори» акциядорлик жамиятида — 117
- «Эски-Жўва бозори» акциядорлик жамиятида — 164

ЖАВОҲИРЛАР САНДИФИ

Ровийлар шундай ҳикоя қиладилар: Ҳотам ибн Тай олис сафарга чиқиб, «Дашти Сурх» биёбонидида пиеда кетиб борарди. Узоқда бир қишлоқ намоён бўлиб, қишлоқ яқинида ўтлаб юрган подалар кўринди. Шу аснода Ҳотамдан 20—30 қадам чамаси олдинда худди ердан чиққандек гажак шохли баҳайбат ҳўкиз пайдо бўлиб, шитоб билан пода томон кета бошлади. Бу тасодифдан таажжубланган Ҳотам ҳўкиз кетидан таъқиб этиб юра бошлади.

Ҳўкиз подага яқинлашган, пишқирганча ўзини пода ичига урди. У қайси сугирнинг ёнидан ўтса, ўша сугир ўша заҳотиёқ йиқилиб, тил тортмай ўларди. Ҳўкиз пода орасини ёриб нариги томонга ўтгунча бир неча бош қорамолни ҳалокатга етказди. Буни кузатиб турган подачи ҳўкизнинг адабини бермоқ касдида унинг йўлини тўсиб чиқиб, таёғи билан урмоқчи бўлган эди, ҳўкиз чаққонлик билан подачини шохига илиб ерга отди. Подачи ўша заҳотиёқ тил тортмай ўлди. Ҳўкиз эса яна биёбон томон йўлга тушди. Ҳотам ҳам унинг орқасидан қолмай кузатиб борарди.

Ҳўкиз ҳеч қандай қарамай саҳрода кетиб борарди. Ҳотам эса унинг қорасини кўздан қочирмай борарди. Ниҳоят, сўқмоқ йўл ёнида бир дарахт кўринди. Ҳўкиз дарахт остига ўзини олди-да, бир юмалаб, 15 яшар гўзал бир қиз-суратига кириб, қорамолларини ўра бошлади. Ҳотам эса ўзини бир бута панасига олиб, бу сирли воқеанинг нима билан туғашини кутиб ўтирди.

Шу аснода узоқдан икки отлик кўринди. Улар дарахт тагига етиб келиб, дарахт тагида йиғлаб ўтирган 14—15 ёшли қиройли қизни кўриб ҳайрон қолдилар ва улардан бири қиздан сўради:

— Ҳой қиз, кимдурсан, бу кимсасиз чўлу биёбонда ёлғиз ўзинг нима қилиб ўтирибсан?

— Мен фалони ибн фалончи тужорнинг қизи эрдим. Отам тижорат мақсадида қарвон билан йўлга чиққан эди. Ўзга юртларни кўриб, сайру саёҳат қилиб келурсан деб мени ҳам ўзи билан бирга олиб чиққан эди. Йўлда баногоҳ қароқчилар қарвонимизга ҳужум қилиб, қарвон аҳлини бир-бир қиличдан ўтказдилар. Мен ур-йиқитда бута орқасига беркиниб олдим. Қароқчилар ҳамма молларни олиб кетишган, ўрнимдан туриб, тўрт томонга елиб-югуриб, келган йўлимизни қидириб топа олмадим. Уч кундириқ оч-наҳор кезиб, тинкам қуриб, алҳол ушбу ерда нафас ростлаб ўтирган эдимки, Оллоҳ-таоло сизларни менга рўбарў қилди — деб, яна куйниброқ йиғлади.

Қизнинг қисматидан бағоят таъсирланган йўловчи, қизга мулойим сўзлар билан таскин бериб овуларкан:

— Бизлар бир ота-онадан таваллуд топган ака-укалардурмиз. Ҳар иккимиз ҳам ҳали уйланмаганмиз. Бинобарин, иккимиздан биримизни шавҳарликка қабул қилсанг, шавҳарга олиб кетурмиз, — деди йўловчиларнинг улуғи.

Қиз ҳаё билан ерга боқаркан, бир оз ўйлагач:

— Начора, майли, мен сизни ўзимга шавҳарликка ихтиёр қилдим, — деди. Шундан сўнг йўловчи қизни ўз отига мингаштириб, укаси билан олдинма-кетин, учовлон йўлга тушдилар. Бироз юришганча, қиз от устида хожасининг енгидан охишта тортиб, «Жуда чанқадим, озгина-суб бўлса эди», — деди. Йигит дарҳол отдан тушиб, қизни ҳам кўтариб отдан туширганча, укасига қараб, «Сизлар шу ерда дам олиб туринглар, мен шу яқин орадаги қишлоқдан сув топиб келаман», — деди-ю, отига миниб чоптириб кетди.

Отлик кўздан узоқлашган, қиз ўрнидан туриб ёш йигитнинг ёнига келиб ўтирди ва:

— Мен аслида биринчи кўришимдаёқ сизни ёқтирган эдим, аммо акангиздан кўриб, у кишини ихтиёр қилдим, деб ёлғон гапирдим. Мана энди бу ерда иккаламиздан бошқа одам йўқ. Бинобарин, то акангиз келгунларича бир-биримизнинг висолимиздан баҳраманд бўлиб, коми дил ҳосил қилсак, — дея, ноз-карашмалар билан ишқибозликлар қила бошлади.

Қизнинг бундай бепарда сўзларию беҳаё хатти-ҳаракатларини кўрган йигит, аввалида тили калимага келмай қолди ва бироздан сўнг ўзига келиб: «Бу қандай фосиқлик, ахир сиз акамнинг ҳасми-дурсиз, энди менга она ўрнидадурсиз», — деди.

Қиз йигитга истехзо билан боқаркан; «Менинг иродамга бўйсуниб, хоҳишимни бажармасангиз ҳолингизга маймулар йиғлайди, йигитча, қани тез бўлинг», — дея, йигитни ўз кучоғига тортиди. Йигит жон ҳалпида қизнинг қўлидан чиқиб, нари кетаркан; «Хоҳишингиз икки дунёда ҳам амалга ошмайди, ўлсам ҳам шайтоний йўлга кириб, акамнинг юзига оёқ қўймайман!» — деди.

Шу пайт узоқдан сув олиб келаётган акасининг қораси кўринди. Қиз йигитга қараб: «Энди ўзингдан кўр!» — деди-да, қўлақларини йиртиб, юзларини тирнаб ва сочларини ёйиб, ҳурпайиб туриб олди. Шу аснода акаси ҳам этиб келиб, ғайри табиий манзара устидан чиқди. Йигит дам укасига, дам қизга боқаркан, «Нима гап?» деб, қиздан сўради.

Қиз йиғлаб: «Сиз кетишингиз билан бу нобақор укангиз менга осилиб, мен сизни севаман, васлингиздан умидворман, алҳол акамнинг йўқлигида, вақтни ганимат билиб, коми дил ҳосил қилсак, деб чандон ҳаракатлар қилди. Мен унга бу шайтоний йўлдан қайтинг, акангизнинг ҳақиқа хиёнат қилманг деб кўп ёлбордим. Аммо бу бетофуқ ўз муддаосига етишмоқ илинжида мени уриб, қўлагимни йиртиб мени шу ахволга солди», — деди.

Қиздан бундай сўзларни эшитганча, йигитнинг қони қайнаб, ғазаб билан укасига боқаркан: «Эҳ номард, ўз туғишган акангнинг ҳасмига кўз олайтирасанму?» — дея, ёнидан қиличчини суғура бошлади. «Ака, акажон, ҳаммаси бўлхон, тухмат қилаёпти. Менга ишонинг, бунинг қилмишларини сўзлаб берай, эшитинг, ана ундан сўнг хулоса чиқаринг!» —

дегунча бўлмай, акаси қиличини укасига қараб солди. Акасининг важоҳатидан чўчиган укаси, акасининг зарбасини даф этмак учун ўз қиличини яланғочлаб акаси томон ниқтади. Аини вақтда ҳар икки томондан қилинган ҳамла бир вақтга тўғри келиб, аканинг қиличи уканинг елкаридан кесиб ўтди, уканинг ниқтаган қиличи акасининг қорнидан кириб, орқасидан тешиб чиқди. Ака-ука тупроққа қоришиб жон бердилар. Қиз бир юмалаб яна баҳайбат ҳўкиз қиёфасига кириб, йўлга тушди. Ҳотам ҳам унинг орқасидан изма-из борарди.

Кўп ўтмай узоқдан уч кишининг қораси кўринди. Ҳўкиз ерга етиб бир юмалади-ю иккита олтин гишт бўлиб, йўлнинг қоқ ўртасига тушиб ётди. Йўловчилар етиб келишганча, йўл устида ётган олтин гишларни кўриб, аввалига ханг-манг бўлиб додираб, сўнгра очкўзлик билан гишларга чанг солдилар. Улар бир-бирига навбат бермай, гиштни қўлларига олар ва микдорини чамалардилар. Ниҳоят, улардан бирининг тили калимага келиб, «Ҳой биродарлар, ахир бу гишлар соф олтин экан-ку», — деди.

— Сен нима деб ўйловдинг, — қўлидаги гиштни бағрига босаркан — олтин бўлганда ҳам аъло навли олтин, — деди иккинчиси.

— Бу олтин гишлар қандай қилиб бу ерга келиб қолдикин? — дея, шубҳа назари билан шерикларига қаради учинчиси.

— Э, овсар, — деди биринчи киши, қандай келиб қолгани билан нима ишинг бор! Бирорта ўткинчи қарвондан тушиб қолгандир-да.

— Эҳ аттанг, гишт иккита эканда, қани энди учта бўлганда биттадан бўлишиб олақолардик, — дея афсусланди иккинчи киши.

— Зарари йўқ, синдириб тақсимлаб оламиз, — деб шеригига таскин берарди учинчи йўловчи.

— Ҳой биродарлар! — деди биринчи ҳамроҳ. Гишларни синдириш қочмайди, аввал қоринни тўйгазиб олайлик, сўнг бафуржа ўтириб олтинларни бўлиша берамиз.

— Ейишга ҳеч нарса йўқ-ку, нимани тамадди қиламиз? — деди шериклари.

— Ҳой Қаҳҳор! — дея учинчи кишига мурожаат қиларкан; «Сен мана бу пулни олгинда шу яқин орадаги қишлоқдан бирор егулик овқат топиб кел! Овқатланиб олганимиздан сўнг олтинларни бўлишамиз», деб пул узатди биринчи киши.

Қаҳҳор пулни олиб қишлоқ томон кетганча, шерикларнинг нияти бузилди.

— Менга қара, Жаббор! — дея сўз бошлади Қобил. — Яхлит олтин гиштни синдириб, учга бўлиб ўтиргандан кўра, Қаҳҳорнинг баҳридан кечиб кўя қолганимиз маъқулмасми?

— Фаросатинга офарин, Қобил, — деди жонлини Жаббор. — Мендан кўра қорнинг тўқроқ экан. Худди шуни сенга айтмоқчи бўлиб турган эдим. Аммо Қаҳҳорни қандай қилиб ўртадан кўтарамиз?

— Иложи осон, бу ёғини менга қўйиб бер, Қаҳҳор келиши билан «Нега кеч қолдинг» деб, жанжал кўтарамиз-да, уриб ўлдирамиз, — деди Қобил.

Қаҳҳор овқат учун қишлоқ томон кетиб бораркан, ҳаёли олтин гишлар-у шерикларида эди. У қандай қилиб бўлмасин олтин гишларга яқка ўзи эгаллик қилишни ўйлар ва бу ғаразли ниятига эришмоқ йўлида турли-туман муҳиш тадбирларни ўйлаб борарди. Ниҳоят унинг чехраси ёришиб, йўқотган нарсасини топиб олган кишидек севишиб: — «Ҳозиқ қишлоқдан овқат олиб, ичига бир мисқол захар қўшаман-да, Жаббор билан Қобилга олиб бораман. Фурсат ўтмай қарабсанки, ҳар икки олтин гишт аканг қарағайнинг измида» деб, ўз режасини пишитди.

Қаҳҳор шу алпозда қишлоқдан овқат олиб, захар қўшиб шерикларининг ҳузурига борди. Шериклари эса «Нега кечикдинг» деб, уни ура кетдилар. Ниҳоят Қаҳҳорнинг кўксига пичоқ санчиб ўлдириб, чўқурга ташладилар. Улар Қаҳҳордан хотиржам бўлишганча, овқатланишга ўтирдилар. Таомдан бир лўқмадан тановул қилишганча, захар таъсиридан жой-жойларида қотиб, ҳалок бўлдилар.

Ҳар икки олтин гишт бир юмалаб, қўлига асо ушлаган қари нуроний Шайх қиёфасига кириб, саҳро ичкарасига қараб йўл олди. Бута панасида биқиниб ўтирган Ҳотам ўрнидан туриб, Шайхнинг олдидан чиқиб, унга салом берди ва «Эй бобо, неча муддатдурким сиз билан биргадурман. Ажойиб асрорларни кўрдим, андак воқифи ҳол айланг» деди.

— Ул худойимки ўн саккиз минг оламни яратган ҳолиқдур, анинг иродаи қорхонаси билан не ишинг бордур! Бўтам, мени тўхтатмағилким ҳали сен кўрганингдек ишларим кўпдур, — деб, кетишга тараддулланди бобо. Аммо Ҳотам бобонинг енгидан ушлаб:

— Бироз шамайи изҳор айланг, — деб илтижолар қилди. Бобо ноилоҳ қолиб:

— Эй Ҳотам, ҳар жонзотки бордур, анинг ўлимига бир сабаб бордур, ани рад айлаб бўлмамай. Ўзинг кўриб шохиди бўлдинг, бири тухмат қурбони бўлса, бири ҳақиқат даввоси билан ҳалок бўлди. Мол-дунё, олтин-қумушга ҳирс қўйган уч қаззоб, очкўзлик балосига йўлиқиб, қазойи ногаҳонийга учрадилар. Ўша қазойи ногаҳоний мандурман, — деди.

— Эй бобо, — деди Ҳотам. — Охирги дамимда менинг қисматим нечук бўлмай?

— Ҳоло умринг боқийдур, Оллоҳнинг ризоси учун иш қилурдин асло юз ўғирмағил, эҳтиёжмандларнинг ҳожатини чиқарғил! Умринг охирида бир-икки зинадан ёхуд бир-икки поя нарвондин йиқилурсан. Ул дунёга рихлат қилмоғингга ушбу сабаб бўлмай, — деб бобо Ҳотамнинг кўзидан ғойиб бўлди. Ҳотам ерга бош қўйиб, саждайи шукрона қилганча, ўрнидан туриб, яна йўлга равона бўлди.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлади.



Дугоналар учрашганда. Равиль Альбеков сурат-лавҳаси.

Донишмандлар хазинасидан

ОЧКЎЗЛИК БАЛОСИ

(«Ҳотамнома»дан)

Назм

ГАПНИНГ ЛЎНДАСИ

*Минғирлаб юришар баъзи одамлар,
Ўзи йўл кўрсатмас, юрмас йўлингга.
Ғаразу аразни бағрига жойлаб,
Ғовлар яратишар ўнгу сўлингга.*

*Идрок паншаҳасин ногаҳон санчсанг,
Илондек тўлғониб ўйнар тилини.
Қочарга жой излаб юрса гар гаранг,
Сичқон «аренда»га қўймас иини.*

*Меҳр дарёсини шулар лойқатар,
Шулар пайҳон этар тотувлик боғин.
Гапнинг лўндаси шул, азиз одамлар,
Минғирлардан асранг, Ватан тупроғин!*

ҚОЙУЛМАН ДУНЁ

*Бардошлиқлар дунёсидир дунёлар,
Булут йиртиб қуёш сочгай зиёлар.
Булбул тилин боғласа гар риёлар,
Буюк бардошингга қойилман дунё!*

*Ўргимчаксимонлар «мато»син тўқир,
Кўнгилингиз кўзлари бунча ҳам сўқир.
«Ширин» ўймалашлар зог монанд чўқир,
Буюк бардошингга қойилман дунё!*

*Эрмакка ким оху сўйса не ажаб,
Ким кўппак мижзони сўйса не ажаб.
Товус оёғига қуйса не ажаб,
Буюк бардошингга қойилман дунё!*

*Нима ҳам дер эдик, қисмат турфа хил,
Бардошлиқ дунёлар эмасдир баҳил.
Буюклик биз билан, бўлсак гар аҳил,
Буюк бардошингга қойилман дунё!*

ХУШ КЎРДИК

«Ширин бўлсанг ялаб адо қилурлар».
Эркин Воҳидов

*Севги борми?...
Муҳаббат борми?...
Хуш кўрмоқ бор дунёда фақат.
Зукко ақл, ширин тил билан,
Хушрўй бўлсанг, ўша муҳаббат.*

*Севги борми?...
Муҳаббат борми?...
Хуш кўрмоқ бор дунёда фақат.
Хуш кўрдигми ҳижрон чоғларда
Туш кўрмоқ бор, ўша муҳаббат.*

*Севги борми?...
Муҳаббат борми?...
Хуш кўрмоқ бор дунёда фақат.
Хайҳот, ногоҳ хуш кўрмай қолсанг
Ўшал онда тугар муҳаббат.*

*Севги борми?...
Муҳаббат борми?...
Хуш кўрмоқ бор дунёда фақат.
Хуш кўрдик.*

Турсун МУҲАММАД.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУХБАТЛАР



Ноъ-неъматлар — дастурхонимиз беағи.

Тарбия

БОЛАНИ МЕҲНАТГА ЎРГАТИНГ

Болаларда меҳнат қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш қанчалик эрта бошланса, шунча яхши натижа беради. Шунинг учун уларга кичиклигидан бошлаб маълум бир вазифани белгилаб бериш, бажарилишини назорат қилиб туриш керак, токи бу одатга айлансин. Масалан, 2-3 ёшларидан бошлаб кийимларини тахлаб қўйиш, ўйинчоқларини саранжомлаш сингаги юмушлар унга оғирлик қилмайди. Бундай пайтларда жажжи фарзандларингиз ўз вазифасини адо этиб бўлгач, рағбатлантириб қўйишни ҳам унутманг. Ялқовлик, дангасалик, бепарволик каби хусусиятлар кўпинча қилаётган ишининг мақсади ва моҳиятини тушуниб етмасликдан келиб чиқади. Шундай экан, бола берилган топшириқнинг моҳиятини тушунсин ҳамда уни бажаришга ўзини масъул деб ҳисобласин. Оилавий тарбия таж-

рибаси шуни кўрсатадики, ўсмир бирор ишни истамаганлиги учун эмас, тушунмаганлиги учун ёки кучи етмаганлиги учун бажармас экан. Шунинг учун катталар бу хусусиятларни ҳисобга олишлари керак.

Аммо, бажарилган ишга баҳо беришда мақтовнинг ҳам, камситишнинг ҳам чегараси бўлсин. Агар танбеҳ кўпайиб кетса, бола меҳнатдан беэҳтиёт кетади, бети қотиб гап ўтмайди-ган бўлиб қолади, ортиқча мақтов эса болани талтайтириб юборади.

Ёш авлодни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашда боғча, мактабнинг роли айниқса, катта. Чунки бу жойларда улар ўз-ўзларига хизмат қилишга ўрганадилар.

Фахриддин НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси,
шахсий пенсионер.

— Чекишингдан битта ол, ўртоқ, шу десанг, жуда хумор қиляпти-да.

- Бунинг ҳеч иложи йўқ.
- Нега энди?
- Мен ташлаганман.
- Э-э, ҳазилингни қўйсангчи. Шу бугун чекиб турганингни ўз кўзим билан кўрдим-ку!
- Ҳа-я, эсим курсин...

ТАШЛАДИМ

(Ҳажвий диалог)

— Ке, оғайни, ол энди, мириқиб-мириқиб хуморимни бир таркатай.

— Иложи йўқ, даяпман-ку! Мен ташлаганман, ахир!

— Айтдим-ку, боя чекаётганингни кўргандим, деб. Неччи йилдан бери сендан чилим сўраб, биринчи марта бундай мужмал жавобингни эшитишим. Нуқул ташладим, ташладим, дейсан. Тушунтириброк гапирсанг-чи, нимани ташладим даяпсан, ўзи?!

— «Отарчи»лик қиладиган кашандаларга чилим беришни ташлади-и-им, оғайнижон, уқдингми?!

Худойназар
ЖУМАНАЗАРОВ.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Англиянинг машҳур тиш доктори 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 171 нафар болани танлаб, уларнинг тўқсонтасига ҳар куни биттадан олма едирган. Қолганларига бошқа мева-чевалардан берган. Шу тарзда 6 ой тажриба олиб боргандан кейин, ҳар куни олма еган болаларнинг оғиз бўшлиғида ҳеч қандай оғриқ юз бермаганлигини, олма емаган болаларнинг ярмидан кўпрогининг оғиз бўшлиқ касаллиги ва тиш оғриғига мубтало бўлганлигини пайқаган.

Америкалик олимлар сув таркиби кўп, қувватли таомлар одамни озғинлаштириш хусусиятига эга бўлибгина қолмасдан, балки терини юмшоқ ва силлиқ саклашини эътироф этганлар. Тухумда сув таркиби 74 фоиз, товук гўштида 70 фоиз, олмада 80 фоиз, узумда 80 фоиз, сабзидида 90 фоиз бўлар экан. Яна бир врач шундай деган экан: қайноқ сувни кўпроқ ичиб туриш керак, у бадандаги кераксиз моддаларни чиқариб, одам қиёфасини яхшилади.

Кўз тўсатдан кўрмай қолса, жигарнинг бузилишидан далолат беради. Ҳид билиш қобилиятининг бора-бора ишдан чиқиши, ўпканинг иш қобилияти ўзгарганидан бўлади. Таомларнинг таъминини ажратолмай қолиш буйракнинг ишлаш иқтидорини йўқотаётганлигининг белгисидир. Лабларнинг сезувчанлиги ёмонлашса, ошқозонда камчилик бор. Оғиз куриб туриши юракда касал борлигининг белгиси экан.

Инсон организмдаги қон томирларнинг ҳаммаси юрак орқали тутшиб турганидан бадандаги қон бармоқларгача айланиб туради. Шунинг учун иш-хизмат қанча кўп бўлса ҳам вақт топиб, ҳар куни тахминан ярим соат боғларда, ҳовлида оёқ яланг юришга одат қилинганда, жигар хасталишининг ва шамоллашнинг олди олинади. Ҳар куни давомли оёқ яланг юрган кишининг юраги бақувват бўлади, иштаҳаси бузилмайди, кулоғи эшитиш қобилиятини йўқотмайди, кўзининг қуввати камаймайди.

Бахриддин ТУРҒУНОВ
тайёрлаган.

Шарқ дурдоналари

ЎЗБОЗ ЎРГАТИШ ДОМО БЎЛМҲ...

◆ ҲИКМАТ. Ҳар кимнинг зари бўлмаса-да, аммо ҳунари бў са дунёда ҳеч бир хавф-хатари бўлмайди. Шунинг учун кил ҳунар зийнати билан безанмоғи керак. Ҳунарсиз киши қур савлатдир. Қуруқ савлат қотиб турган савратга ўхшайди. С савратга бок, у одамга ўхшаса-да жони бўлмайди. Дарахт шо мевасиз бўлса кийикнинг шоҳларидан нима фарқи бор?! Қали гарчи чўп бўлса-да, илму ҳунарни ошкор қилгани учун азизду Ойна эса гўзаллар юзи туфайли қўлда юради. Сен Абу Жа тарвузини кўр, ширин тарвузлар каби чиройлидир. Аммо ачч бўлгани учун қиймати йўқ.

Бехунар одам эмас, молу зари бўлганда ҳам,
Бўлмагай эшик одам анга либос ёлганда ҳам.

Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДО

◆ Болалар ҳаётда ўсиб улғаяр эканлар уларнинг толела икки нарсадан айри бўлмайди: ё бахт-саодатли бўлади ё гумроҳлик йўлига кириб, бахтсиз бўлиб қолади.

Болалар қандай қилиб бахтли бўлишлари мумкин? Агар бо ота-онасининг гапига қулоқ солса, уларнинг айтган йўлид чиқмаса, берган маслаҳатларини жон деб қабул қилса, улар шунчаки қулоқ солиб қўя қолмай, бутун кучи билан амал қилишга уринса ва доимо ёдида тутса бундай бола катта бўлганда албатта, бахтли бўлади.

Болалар қандай қилиб бахтсиз бўлиб қолади?! Агар бола отасининг беғараз, чин кўнгилдан меҳрибонлик қилиб айти сўзларига қулоқ солмаса, берган маслаҳатларини қулоққа қолмаса, бошқаларнинг панду насиҳатларини тингламаса, бо бор а йўлдан адашади, оқибат натижада бахтсиз бўлиб қолади. Бахтсиз болалар катта бўлганларидан кейин ўз бахтсизлиқрига ўзларини айбдор деб ҳисобламай, ота-оналарига туҳм тошларини отишади, бахтсизликларининг сабабчиси қилиб улни кўрсатишади.

Мустафо ҲОМИЙПОШИ

◆ Нодон дўстан ақлли душман яхши. Назм:

Жонингга қасд қилган душманинг доно
Бўлса нодон дўстан минг қарра доно!
Нодон қилган ишининг барчаси зарар,
Фойда бўлса ҳам эрур бесамар!

◆ Эй азиз, халқингга доимо яхшилик қил, қилган яхшиликни улардан сенга қайтади. Ҳеч кимсага қасддан ёмонлик қил, кимки ёмонлик қилса қилган ёмонлиги, шубҳасиз, ўзига қайди.

Муҳаммад ЖАБАЛУДИ

◆ Оғирчиликда сабр қилиш энг улуг неъмат!

Сабр қилган киши бир кун топар ком,
Сабрсиз қиз эрга ёлчимас мудом.
Пухта бўлар ҳар иш шошмаган кезде,
Шошиб ичган киши маси бўлар тезде.
Мурданинг бошида солмагин кўп дод,
Мурда сабр тилар наинки фарёд.
Отини ўргатмоқчи бўлсалар мудом,
Шошиб эмас аста қилинади ром!

◆ Тўғри юргани-чун ўқ ўз йўлида,
Эъзоз тонди кўргил шоҳлар қўлида.
Дилингни тўғри тут, балодан кўркма,
Ёқут ич-у, асло вабодан кўркма.
Қандай создир киши кажликдан қочар,
Ростлик галабага доим йўл очар.

Низомий ГАНЖАВИ

◆ Золимнинг зулми ўзини йиқитади. Кучсиз шамол ожиз гиёҳларга бўрон бўлиб туюлади. Кимки бировнинг пайини қирқса ўзиники ҳам қирқилади.

◆ Сабрли одам узок яшайди.
Сабри кўпнинг дўсти кўп.
Ёмон кунда сабр қилган киши яхши кунга тез етади.
◆ Қаноатли қул озод, озод тамагир эса қулдир.
Умидсиз одам равнақ тополмайди.

◆ Бахт ҳийла билан топилмайди, бахтиёр бўлмоқни истайсун кеча-кундуз ётасан, фаввослардан ибрат ол, улар мақсадга еш ва марварид топиш учун ўзларини денгиз тагига отадилар.

◆ Нодонлик — маънавий қашшоқлик. Фаҳми йўқнинг ғами кўп бўлади. Нодоннинг дўсти, ҳасадчининг роҳати, ёлғончининг мурувати бўлмайди.

«Аталар сўзлари»дн.

◆ ҲИКМАТ. Ҳар кимсанинг феълу атвориди нуқсон бўра унинг қилган насиҳатини ҳеч ким қабул қилмайди. Байт:

Сўзларингни эшитмаса ҳар кимса,
Бехудага чекма жабру жафони,
Ўз нафсингга ўқи аввал насиҳат,
Бузмай юрсин токи аҳду вафони!


◆ Камтарлик дарахтин ўтқазсанг агар,
Муҳаббат мевасин ейсан ҳар қачон.

Мажидиддин ҲАВОҒИ

- ◆ Ғамгин бўлмайин десанг гиначи бўлма.
- ◆ Ғамнинг давоси дўстлар дийдорини кўриш.
- ◆ Ҳар ким меҳнат қилса охири пушаймон бўлмайди.
- ◆ Захмат чеккан лаззатни яхши билади.

«Маҳзан ал-улум»дн.

Турк, араб тилларидан Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимали.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба
ва жума
кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлари почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-75 телефониға мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.